

ХДР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshlagan

№14, 2023-йил
19-апрел,
chorshanba (32.760)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 апрель куни Европа Иттифоқи делегацияси билан бўлиб ўтган учрашувида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда ЕИ институтлари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича навбатдаги қадамлар кўриб чиқилди.

Европа томонидан қабулда ЕИнинг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Имон Гилмор ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бүгунги юксак даражаси ва натижадорлиги катта мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Кейинги йилларда Европа томонидан тақдим этилган "GSP+" шароитлари туфайли ўзаро савдо ҳажми ва муваффақиятли инвестиция лойиҳалари сони жадал ортиб бормоқда. Бундан ташқари, маданий-гуманитар соҳада муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЕИ вакиллари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислохотлар стратегиясини қатъий қўллаб-қувватлашни яна бир бор таъкидлади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини, гендер тенгликни ривожлантириш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва бошқа йўналишларда эришилган муваффақиятлар юксак баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича бўлажак референдумнинг аҳамияти қайд этилди.

Европа томони, хусусан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатларини янада кучайтиришни, шу жумладан, "Миранда қоидалари" ва "Хабеас корпус" институтини жорий қилишни, ижтимоий ва экологик ҳуқуқлар, ёшлар ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни, ўлим жазоси бекор қилинганини мустаҳкамлаб қўйишни ва бошқа нормаларни кўзда тутувчи ўзгартиришларни олқишлади.

Минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди, бўлажак қўшма тадбирларга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

ЎзА.

ЭРКИН СЎЗ

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ - ЁШЛАР КОНСТИТУЦИЯСИ

Юнон олими Аристотель "Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади", деганида ҳақ эди. Президентимиз узоқ йиллар "мудроқ таълим исканжаси"да яшаб келган устоз ва мураббийлар, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қарата бошлагани, уйғоқ фикрни тарбиялаш йўлидаги жонқуярликни алоҳида таъкидлашимиз керак. Бугун давлатимиз тараққиётида Учинчи Ренессанс ҳодисасига асос солиш йўлида.

Ёшларнинг билимини, иқтидорини ривожлантириш мақсадида ижодий ва ихтисослашган мактаблар тизими жорий этилгани, барча вилоятларда яратилаётган ёшлар технопарклари ва бизнес-акселераторлари бунинг ёрқин исботи, дея оламиз.

Мамлакатимиз раҳбари "бугун ҳеч бир соҳа ўйққи, ёшлар муваффақиятга эришмаётган бўлса. Ёшларнинг йўлини очиб берсак, уларга елкадош бўлсак, янада улкан натижаларга эришамиз. Менинг энг катта ишонган кучим, давлатимизнинг энг катта бойлиги — бу ёшлар", деб таъкидлади. Янгиланаётган Конституцияда ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқилиши Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканлигига яққол ишоратидир.

Конституциявий ислохотлар жараёнида ёшлар ҳам фаол иштирок этди. «Менинг давлатим», «Менинг Конституциям», деган нуқтаи назардан таклифлар беришди. Таклифларнинг 60 фоизи айнан ёшлардан келиб тушгани бунга яққол далилдир. Зеро, бугунги ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади, мамлакат ҳаётига, келажагига бефарқ эмас.

Янгиланаётган Конституцияга мувофиқ, фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли эканлиги аниқ белгилаб қўйилмоқда.

2017 йилга қадар олий таълим муассасаларида грант ўринлари сони фақат қисқариб келди. Кейинги йилларда, аксинча, грантларни кўпайтириш йўлидан борилди. Хусусан, ўтган даврда олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони 75 фоизга ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони икки бараварга оширилди.

Шунингдек, нодавлат олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти ажратиш амалиёти йўлга қўйилди. Янги конституциявий қонданнинг белгиланиши бу борадаги ижобий йўналиш доимо сақлаб қолиниши ва ривожланишини аниқлатади.

Демак, янгиланаётган Конституциянинг ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор нормаларини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда ушбу Бош қомусимизни "Ёшлар Конституцияси", дея эътироф этишга ҳам барча асосларимиз бор. Шунга асосан мамлакатимиздаги барча ёшларни 30 апрель куни ўтказиладиган референдумда фаол иштирок этишга чақираман.

Жаҳонгир КАБИРЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси ижрочи котиби,
қўш палата ҳузуридаги Ёшлар парламенти
аъзоси.



3

СЎЗ — ЎЗХДПНИНГ ҲУДУДИЙ ЕТАКЧИЛАРИГА!

2 САҲИФА



ЭНДИ ҲАММА ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛИШИ МУМКИН

5 САҲИФА

БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ТАҚИҚЛАНАДИ

Ҳар бир инсон фарзандининг фойдали машғулотлар — китоб ўқиш, спорт билан шугулланиши, шу орқали маънан ва жисмонан етук бўлиб улғайишини ис-тайди. Тўғриси айтганда, яқин йиллар-гача бўлган тарихимизда болаларнинг мактабдаги асосий вақти пахта терими, турли ҳашарлар билан ўтарди. То ноябрь ойигача теримда бўлган мактаб болалари дарс соатларини ўзлаштирмасдан ўқув йилини тугатарди.

Кейинги йиллардаги оқилона сиёсат сабаб бу каби ҳолатларга чек қўйилди. Болаларни ҳар қандай мажбурий меҳнат-га жалб қилиш тақиқланди. Энди мазкур қоида қатъий норма сифатида янгиланаётган Конституциянинг 44-моддасида "Болалар меҳнатининг боланинг соғли-ғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўқсинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади", деб белгиламоқда.

Бугунги кунга келиб жаҳонда ҳар ўн боладан бири болалар меҳнатига дучор қилинади, болалар меҳнатидан жабр кўрганларнинг сони 152 миллиондан ошган. БМТ Бош Ассамблеяси 2021 йилни Бола меҳнатига қарши курашиш йили, деб эълон қилди. Шунингдек, мамлакатлар болалар меҳнатини тақиқ-лаш ва бартараф этиш бўйича кечикти-риб бўлмайдиган ва амалий қадамларни қўйиш мажбуриятини ўз бўйига олди. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсад-ларида 2030 йилга қадар бутун жаҳонда бола меҳнатининг барча шакллари-га барҳам бериш бўйича вазифалар бел-гиланди.

Ўзбекистон Республикаси ратифика-ция қилган дастлабки конвенциялардан бири — бу Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция эди. Мазкур конвенция ин-соният тарихида болалар ҳуқуқлари

соҳасидаги илк мажбурий халқаро ҳу-қуқий шартнома бўлиб, Бола ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конституцияси номи билан эътироф этилади. Конвенция бо-лаларга нисбатан ҳар қандай шаклдаги шафқатсиз муомалани, эксплуатацияни ва камситишни тақиқлайди.

Кейинги йилларда мажбурий ва бола-лар меҳнатининг ҳар қандай шакллари-га қарши курашиш давлатнинг энг устувор вазифаларидан бирига айланди. Жум-ладан, 2018 йил АҚШ Ўзбекистоннинг пахта маҳсулотларини болалар меҳнати орқали етиштириладиган маҳсулотлар рўйхатидан чиқарди. 2020 йил 30 сен-тябрда АҚШ Меҳнат вазирлиги Ўзбеки-стонда болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари-га барҳам беришга қаратилган саръ-ҳаракатлар муваффақиятга эриш-ганлигини эътироф этди.

Аҳолисининг 40 фоизини болалар ташкил қилган Ўзбекистон учун бу ва-зифа принципиал аҳамиятга эга эди. Президентимиз 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минба-ридан туриб Ўзбекистонда мажбурий ва болалар меҳнатининг ҳар қандай шакллари-га барҳам бериш чоралари кўрилиши тўғрисида гапирди. Шунинг-дек, 2021 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида мажбурий ва болалар меҳнатига бар-ҳам бериш устуворлигини яна бир бор таъкидлади.

Болалар ўқишда, шифокор ва ўқи-тувчилар ишда бўлишлари бу оғир, аммо тўғри сиёсий қарор эди. Мажбурий ва болалар меҳнатининг ман этилиши Кон-ституцияда белгилаб қўйилиши ушбу сиё-сий қарор абадий эканлигини кўрсатади.

Нуриддин ХОЛМАТОВ,
Жиззах вилоят Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023



Конституциявий ўзгариш кўплаб муаммоларга кескин чора кўришда энг муҳим ва тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат бўлишига шубҳа йўқ.

Сўз – Ўзхдпнинг ҳудудий етакчиларига!

**АЙБСИЗ
АЙБДОРЛИККА
ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ**



Рақимберган ЮСУПОВ,
Ўзбекистон
ХДП Хоразм
вилоят
кенгаши
раиси:

— Эндиликда айбсиз айбдор бўлишдек ҳунук ва кўнгилсиз ҳолатларга барҳам берилиши зарур. Бу борада янги таҳрирдаги Конституцияда аниқ ва равшан белгилаб қўйилди. Яқин ўтмишда кўплаб инсонлар беайб бўла туриб, жавобгарликка тортилгани, ҳаттоки қамалишгача бориб етган ҳолатларни кўпчилик яхши эслади. Президент Шавкат Мирзиёев собиқ МХХ зобитларидан бирининг автомобиллини қувиб ўтгани учун қамалган инсонлар ҳақида гапирган эди. Ёки қайсидир ёпиқ ҳужжат ёхуд топшириқлар асосида инсонлар жавобгарликка тортилган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Конституцияга янги меъёр киритилмоқда. Яъни, эндиликда ҳеч ким ҳали расман эълон қилинмаган қонунчилик ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бу норма Конституцияда белгилаб қўйилиши орқали жавобгарликнинг ҳар қандай кўриниши қонуний бўлиши таъминланади.

Масалан, Жиноят кодексига одиллик принципи сифатида ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бироқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда айнан бундай аниқ нормалар мавжуд эмас. Бу эса амалиётда турлича талқин қилишга олиб келади, натижада жиноий жавобгарликка тортилган инсонларга яна қўшимча бошқа жазолар ҳам берилишига сабаб бўлади.

Агар Конституцияга айни бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги ҳақида қоида киритилса, бу амалиётда фуқароларнинг битта иши учун турли инстанциялар томонидан турлича жавобгарликка тортилишининг олдини олади. Конституция энг юқори турувчи олий ҳужжат бўлгани учун ундаги қоидалар жавобгарликнинг барча турларига тааллуқли бўлади. Бу эса инсон қадрини ҳимоя қилиш йўлида яна бир қадам бўлади.

**АЁЛ УЙ ЭМАС,
ЖАМИЯТ
ОДАМИ**



Баҳром ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон
ХДП Андижон
вилоят
кенгаши раиси
в.б.:

— Жамиятдаги ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Нега? Чунки улар ўқитилмайди, ишсизликдан қийналади, оиласидан ажрашса, болалари билан кўчада қолади. Муаммо ортида муаммо келади.

Бир оилада ўғил ёки қизнинг ўқиши керак бўлса, ўғил бола танланади. Энг яхши жойларда ишлаши керак бўлган ҳам негадир улар. Зарурат туғилса, пора билан бўлса ҳам ишга жойлаштириш илинжида юрадиганлар ҳам оз эмас, тан олайлик. Опа-сингилларимиз эса тикувчи, ўқитувчи ёки шифокор бўлиши керак. Омади келганлари бошқа соҳаларда ишлайди.

Тўғри, бу қарашларга бугун анча барҳам берилмоқда. Тадбиркор, фермер, олима, ҳуқуқ-туртибот ходими ва яна бошқа кўплаб соҳаларда яхши натижалар кўрсатаётгани рости. Бироқ бу кам. Уларнинг сонини янада кўпайтириш зарур. Аёлларни оилада ўз ўрни ва қадрига эга бўлишини таъминлашимиз шарт. Ана шунда камбағаллик, ишсизлик, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларнинг аксарияти ечим топади.

Биламиз, шу кунгача ҳам қонунларимизда, ҳаттоки Конституцияда ҳам эркак ва аёлнинг ҳуқуқлари тенг экани таъкидланган. Амалиётда эса бунга тўлиқ эришининг имкони бўлмади. Натижа эса ўзингизга маълум. Шу сабабли, янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган 58-модда айни мuddао, деб биламан.

Унда ёзилишича, давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди. Бу аввало, аёлларнинг давлат ва ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириб, уларга ўз имкониятларини намоён этишга хизмат қилади.

**ХАЛҚИМИЗ
ҚЎЛЛАЁТГАНИГА
ГУВОҲМИЗ**



Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон
ХДП
Қашқадарё
вилоят
кенгаши
раиси:

— Мамлакатимиз катта сиёсий воқеа оstonасида турибди. Партияимиз Конституциявий ислохотларни дастлабки кунлардан фаол қўллаб-қувватлади. Бу бежиз эмас, албатта. Партияимиз ташкил этилганидан бери ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ бир қанча таклифларни илгари суриб келади. Кейинги йилларда халқ билан мулоқот асосида яратилган тизим партияимиз электорати манфаатларини ишончли ҳимоя қилмоқда.

Кундалик ҳаётдаги ўзгаришларни таҳлил қилсак, юритилаётган халқпарвар сиёсат айнан ижтимоий давлат пойдеворини яратишга, унинг ривожланиш кафолатини мустаҳкамлашга қаратилгани яққол кўринади. Биргина ўтган йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, партия дастурий устувор йўналишларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладиган муҳим қонун, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Қучли ижтимоий ҳимоя бўйича яратилган тизим изчил давом этиши учун кафолатни мустаҳкамлаш зарур. Партияимизнинг асосий ғоялари Конституцияда акс этиши масаласига тарихий имконият, деб қарамокдамиз. Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасида вилоят партия ташкилотлари фаоллари ҳам иштирок этишиб, 400 дан ортиқ таклифларни билдиришди. Бу ҳам бежиз эмас. Сабаби, халқимиз кейинги йилларда ижтимоий соҳада амалга оширилган ишларни том маънода эътироф этмоқда, давомли бўлишини қўлламоқда.

Шу кунларда халқимиз орасида сиёсий-маърифий тадбирлар ўтказиб, партиядошларимиз, жамоатчилик вакилларининг таклифлари конституциявий қонун лойиҳасида қанчалик акс этаётгани ҳақида маълумот бериб, янги меъёрларни кенгроқ тушунтиришга эътибор қаратяпмиз. Одамлар демократик ислохотларга хайрихоҳ бўлгани учун ҳам Конституцияимиз янгиланишига хайрихоҳлик билдирётганига бевосита гувоҳ бўляпмиз.

**СОҒЛИҚ УЧУН
КАФОЛАТ МУҲИМ**



Акmal УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент
вилоят кенгаши раиси:

— Ёши катталар “қаеринг оғриси, жонинг ўша ерга кўчади”, деган гапни кўп айтади. Ёшлиқда бунинг маъзини тушунмаган бўлсак-да, ҳозир яхши англаймиз. Чиндан ҳам, одамнинг қаеридир хасталанса, бутун жисмига, ҳаттоки руҳиятига ҳам оғриқ беради. Токи, тузалиб, ўзига келмагунча бошқа нарсалар ҳақида ўйлашнинг ўзи қийин туюлади. Шунинг учун энг яхши шифокорга боришни истади. Энг аниқ ва тўғри ташхис қўйиладиган хизматлардан фойдаланишга интилади. Табиийки, бунда имкониятлар ҳам инobatта олинади, албатта.

Ваҳоланки, ҳамма сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга, бунинг эса давлат инсонларга таъминлаб бериши зарур. Бунда одамларнинг ижтимоий ёки иқтисодий ҳолатига қараб табақалаш мумкин эмас. Шундан келиб чиқиб, янгиланаётган Конституциянинг 48-моддасида ушбу масалалар белгиланмоқда.

Яъни, ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

» Конституцияда фуқаролар давлат ҳисобидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини олишга ҳақли экани бегиланиши фуқароларда давлатга ишончни оширади.

тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий сугуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади, деб ёзиб қўйилмоқда.

Айтиш керакки, мазкур масаланинг Конституция даражасига кўтарилиши аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Давлат тиббиёт соҳасига оид энг муҳим вазифаларни ўз зиммасига олаётгани эса оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим ўрин тутди.

Ҳар бир мамлакатда сифатли тиббиёт тизими мавжудлиги жуда муҳим. Фуқаролар зарур пайтларда тиббий хизмат учун давлатга суяна олиши лозим. Шу сабабли Конституцияда фуқаролар давлат ҳисобидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини олишга ҳақли экани бегиланиши фуқароларда давлатга ишончни оширади.

ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ



Илҳомжон АТАБАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Наманган
вилоят кенгаши раиси:


— Одамларни бирлаштириб турувчи фуқаролик тушунчаси давлатларнинг асосини ташкил этади. Бу бевосита давлатнинг зиммасига ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, ишли, уй-жойли бўлишига имконият яратишдан иборатдир. Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларда томонларнинг ўз мажбуриятлари бўлади. Улар орасида муҳимларидан бири бу бандлик

масаласидир.

Янги таҳрирдаги Конституция ушбу ҳуқуқдан фойдаланишни кафолатлабгина қолмай, аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши ҳам белгиланмоқда. Биламизки, Ўзбекистонда яқин йилгача камбағаллик расман тан олинмаган. Натижада унга қарши бирор амалий чора кўрилмаган. Президентимиз эса мамлакатда камбағал қатлам борлигини расман тан олди, фуқароларни камбағалликдан чиқариш бўйича саъй-ҳаракатлар бошланди.

Камбағалликка барҳам беришнинг биринчи шarti — унга муносиб иш топиш. Бироқ ишсизлик, камбағаллик ҳамон бор ва унга қарши курашиш тизимли бўлиши лозим. Айнан мана шу жиҳат Конституцияда ҳам мустаҳкамланмоқда. Давлат ўз фуқароларини иш билан таъминлаш, уларни камбағаллик ботқоқидан чиқариш, профессионал касб ўргатиш масъулиятини ўз зиммасига олмақда.

Кўп бора айтилган бўлса-да, яна таъкидлайман. Халқимиз жуда ҳам андишали, тортинчоқ халқ. Кимнингдир эшигини қоқдим, демек бунга жиддий сабаби бор. Акс ҳолда, асло арз қилмас, мурожаатга муносиб кўрмасди. Фаолиятимиз давомида энг кўп тушадиган мурожаатлар ҳам айнан ишсизлик билан боғлиқлигини инobatта оладиган бўлсак, бу конституциявий ўзгариш кўплаб муаммоларга кескин чора кўришда энг муҳим ва тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат бўлишига шубҳа йўқ.



#Янги_таҳрирдаги_Конституция

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли

98-модда



Янгиланаётган Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, инсон қадр-қиммати устуворлик касб этаётир.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023



МУНОСАБАТ

УЛАР 19 МИЛЛИОНДАН КЎПРОҚ



Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш масаласи ҳамиша давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Чунки юртимизда ёшлар Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий манбаи сифатида қаралапти. Бугунги йигит ва қизлар ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга, жамиятдаги маънавий-руҳий вазиятни шакллантиришга қодир бўлган ижтимоий-демографик кучдир. Бироқ ёшлар бундай аҳамиятли ижтимоий вазифаларни бажарадиган қудратга айланиши учун жамиятда, аввало, улар билан ишлашнинг замонавий ва самарали тизими мавжуд бўлмоғи даркор.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 апрель кунини ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ана шу мавзуга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёшлар кириб келаётган бўлса, келгуси 10 йилда бу рақам 1 миллионга етади. Шу боис ёшларга сифатли таълим бериш, касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Бу ишларни маҳаллада ташкил этиш бўйича юрт раҳбарининг ташаббуси ва қарори билан вертикал бошқарув тизими яратилди. 9 минг 500 та маҳаллага фидойи ва ташаббускор ёшлар етакчилари тайинланди. Бу тизим орқали ёшларга 100 дан ортиқ имкониятлар яратилди, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди.

Хусусан, ўтган йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўм кредит берилиб, 150 мингта лойиҳа ишга туширилди, 325 мингта иш ўрни яратилди. 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг ёшлар бандлиги таъминланди. 32 мингдан зиёд ёшларга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер олиб берилди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, ўтган йили 130 минг талабага 1 триллион 700 миллиард сўм таълим кредити берилди, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. 53 минг нафар эҳтиёжманд талабага контракт пуллари, 15 мингдан зиёд ёшларга ҳарбий хизмат ва 13 минг нафарига чет тиллари бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб берилди. 81 минг талабага уй-жой ижараси тўлови ажратилди. "Ёшлар дафтари" орқали 300 минг ёшларга қарийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Лекин бу борада долзарб масалалар ҳали ҳам кўп. Бугунги кунда юртимизда 722 минг нафар расман ишсиз ёшлар бор. Бу соҳадаги ишларни янада аниқ ва манзилли ташкил этиш мақсадида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион нафар ўғил-қиз алоҳида эътиборга олинди. Бунда биринчи марта 25 та вазирлик ва идора маълумотлари ўзаро уйғунлашган электрон базага жамланди. Барча ёшларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқишлари ўрганилиб, "маҳалладан вазирликкача" тизимида ишлаш чоралари белгилаб олинган.

Йиғилишда, аввало, ишсиз, норасмий секторда банд бўлган ва чет элга ишлагани кетган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари бу борада кўплаб янги ташаббусларни илгари сурди. Биринчидан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун, аввало, ишга қабул қилиш тизимини қайта кўриб чиқиш кераклиги таъкидланди. Мисол учун, ҳозирда 103 мингдан ортиқ ташкилотларда 254 минг бўш иш ўрни бор. Лекин, ўтган йили олий таълимни битирган 6 мингдан ортиқ, коллеж ва техникумни тамомлаган 30 минг нафар йигит-қиз иш топа олмаган. Шу боис энди ҳар бир вазирлик ўз тармоғидаги касбларга малака талабини ўзи белгилайди. Шунингдек, вазирликлар олий ва ўрта махсус таълимга буюртма берибгина қолмай, уларнинг ўқув дастурларини бирга ишлаб чиқади.

Маълумки, 2021 йилда 25 ёшгача бўлган ёшларни ишга олган корхоналарга ижтимоий солиқни қайтариб бериш амалиёти жорий қилинган эди. Ўтган даврда бундан 9 мингдан зиёд корхона фойдаланди ҳамда 100 минг ёшлар бандлиги таъминланди. Давлатимиз раҳбари бу ижобий тажриба мударатини яна икки йилга узайтириш бўйича кўрсатма берди.

Иккинчидан, "Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари" жамғармаси ва электрон платформаси ташкил қилиниши белгиланди. Жамғармага 100 миллион доллар йўналтирилиб, бу маблағлар иқтидорли ёшларнинг энг яхши ёғла, стартап ва лойиҳаларига қўлай ва енгил шартларда, зарур бўлса фоизсиз ажратилади. IT-парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, ҳудудларда "Креатив парк"лар ҳам ташкил этилади. Уларга IT-парк резидентларига берилган имтиёз ва енгилликлар қўлланади.

Учинчидан, "Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳам кўпроқ касб ўргатишга, бандликни таъминлашга хизмат қилиши кераклиги таъкидланди. Шу боис энди бу жамғарма орқали турдош хизматлардан

бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имконияти яратилиши белгиланди. Давлат кўмағига муҳтож ёшлар ҳар бир вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, ректорлар, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига номма-ном бириктирилди. Улар ўз ҳимоясидаги ўғил-қизларнинг касб-хунар ўрганишига, кредит, субсидия ва қафиллик олиш орқали бандлигига кўмаклашади.

Тўртинчидан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Яқинда 100 мингдан ортиқ ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномада улар маҳалласида спорт билан шуғулланишга шароит ҳамда кўнгулчар масканлар етишмаслигини билдирган. Шу боис, биринчи босқичда вилоят марказларида, кейинчалик туманларда кечая кундуз ишлайдиган ёшлар сайилгоҳлари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Уларда спорт, киберспорт ва интеллектуал ўйинлар, китобхонлик, қараоке учун шароитлар кўзда тутилади. Шунингдек, ҳар бир туманда "Ёшлар сайли" ва ижод кўчалари, олий ўқув юртурларида спорт лигалари, коворкинг ва театр студиялари ташкил қилинади.

Бешинчидан, бугунги кунда 1,5 миллион ёшлар бўш вақтини чет тили ўрганишга бағишламоқда. Уларнинг бу борадаги рағбатлантирилиб, хусусий марказларда тил ўрганиш харажатларига субсидиялар ажратилади. Мактабларда тўғарақларни жиҳозлаш ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш, "Баркамол авлод" болалар марказлари самарадорлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Ёшлар ўртасида "Касб-хунар олимпиадалари" ташкил қилинади.

Олтинчидан, бугунги глобаллашув даврида ёшлар тарбияси ва онгига таҳдидлар тобора кучаймоқда. Афсуски, маънавий тарғиботнинг камрови ва таъсирчанлиги пастлиги, ёшларнинг қизиқишлари инोбатга олинмаётгани бу борадаги ишлар самарадорлигини кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу боис Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни мафқуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиб, уларга соғлом фикр берадиган манбаларни кўпайтириш зарур. Умуман, бу соҳадаги давлат сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган "Янги Ўзбекистон ёшлари" дастурини ишлаб чиқиш, қонунчиликни ўзгартириш вазифалари белгиланди. Шундай экан, ёшлар билан ишлаш барча раҳбарларнинг, кенг жамоатчиликнинг, бутун жамиятимизнинг энг устувор вазифаси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Умуман, мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида қаралаётгани, давлатимиз раҳбари ўз нутқларида ёшлар бандлигини таъминлаш ҳақида қайта-қайта тўхтаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, ёшлар бизнинг асосий таянчимиз ва суянимиз. Улар пухта билим ҳамда даромад манбаига эга бўлса, юрт тараққиётига ўз хиссасини қўшади, жамият ривожини учун хизмат қилади.

БОЛАНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ҲАР ҚАНДАЙ ШАКЛЛАРИ ТАҚИҚЛАНДИ



Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, бугунги кунда 218 миллион нафар бола мажбурий меҳнат қурбонидир. Шундан 89 миллион нафари хавфли ва зарарли ишларда меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда мажбурий меҳнатга қарши кураш борасида улкан ишлар қилинди. Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилиб, 14 та, жумладан, 8 та асосий конвенцияси, шунингдек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга доир конвенциялар ратификация қилинди.

Шу билан бирга, мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам беришнинг қонунчилик асослари кучайтириб борилмоқда. Жумладан, 2018-2021 йилларда тегишли кодекс ва қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслик тўғрисидаги талабларни бузиш ҳамда меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш каби хатти-ҳаракатлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Хусусан, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги ва Жиноят кодексларида вояга етмаган шахсни меҳнатга бирор-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаган шахс маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Президентимизнинг кучли сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга батамом барҳам берилди. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйилиши ортидан ўзбек пахтасига эълон қилинган бойкот бекор қилинди. Натижада дунёнинг энг кўзга кўринган уч юздан ортиқ бренди билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди.

Эндиликда бу борадаги давлат сиёсатини конституциявий даражада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим кадамлар ташланаётгани Ўзбекистонда ҳар бир боланинг сифатли таълим олиши, орзу-истаклари рўёбга чиқиш, мурод мақсадига етишлари далолат беради. Агар болаларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши ва орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилса, уларда олдинги интилиш, ҳаракат бўлади.

Зеро, янгиланаётган Конституциямизнинг 44-моддасида болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши белгилаб қўйилмоқда.

Муболағасиз айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Конституциямизга киритилаётган маъзкур норма болалар меҳнатининг оғир шаклларида ҳимоя қилиш, уларни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишишлари учун муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, болалар меҳнатига қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, шубҳасиз, Ўзбекистондаги ислохотлар муваффақиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, мамлакатнинг халқаро нуфузи ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти суръатлари ўсишига ижобий таъсир ўтказди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ШАРҲ

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛМАСЛИК

МУМКИН ЭМАС

Инсон ўзи хоҳлаган касб ёки соҳада эмин-эркин меҳнат қилиши, ўз меҳнатига яраша муносиб ҳақ олиши унинг ҳаётда, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига замин бўлади. Бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг турли соҳаларда, қўлай шарт-шароитларда фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир инсон қўлай меҳнат шароитларида ишлаб, ишга яраша муносиб маош олишга ҳақли.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда акс этаётган кўплаб янги норма ва қоидалар қаторида меҳнат ҳуқуқларига оид қоидалар ҳам талайгина. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова қуйидагиларни таъкидлади:

— Қарийб 65 фоизга янгиланаётган Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, инсон қадр-қиммати устуворлик касб этаётир. Жумладан, юртдошларимизнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатига оид нормалар бир нечта моддаларда ўз ифодаси-

ни топмоқда. Зеро, инсоннинг меҳнати қадрланиши, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши инсонийлик намунасиридир.

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳар ким муносиб меҳнат қилиши, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қўлай меҳнат шароитларида ишлаш ҳамда энг кам ойлик маошдан паст бўлмаган миқдорда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланмоқда. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг аввало, қўлай меҳнат шароитларида фаолият кўрсатиб, муносиб ҳақ олиши унинг қадр-қимматини белгилайди. Агар ишга яраша маош олмаса, ҳар қандай инсон ўзини топталгандай, қадр-сизлангандай ҳис этади. Шундай экан, биринчи ўринда меҳнатга яраша ҳақ олиш ҳар бир меҳнат-кашининг қонуний ҳуқуқидир.

Бундан ташқари, Бош қонунимиз лойиҳасида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги учун аёлларни

ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг ойлик маошини камайитириш тақиқланиши мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Ҳаёти-мизда бу борадаги ҳолатлар ҳақида кўп бор эшитиб қоламиз: айрим корхона ёки ташкилотлар раҳбарлари иш сўраб келган аёлларнинг ҳомиладорлигини ёхуд ёш боласи борлигини эшитса, уни ишга қабул қилгиси келмайди. Баъзан эса ишлаб турган аёл ҳомиладор бўлиб қолса, уни қандайдир йўллар билан ишдан бўшатиш пайига тушади. Эндиликда, бу каби ҳолатларга Конституциявий даражада барҳам берилди, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари тўла кафолатланади.

Шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасида ёлғаниб ишловчиларга ҳар йилги ҳақ тўланадиган меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши ҳам ўз аксини топган.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, кўп йиллар давомида муаммо бўлиб келган мажбурий меҳнат масаласига ҳам алоҳида ўрин

берилган. Жумладан, суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши, шу жумладан болалар меҳнатининг ҳар қандай шакллари тақиқланиши мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямизда меҳнат ҳуқуқларининг кафолатлари белгилаб қўйилаётгани инсон кадрини улуғлаш борасидаги давлат сиёсатида мос ва хосдир, — дейди Мавжуда Ҳасанова.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ўз касб-қоридан, олаётган маошидан кўнгли тўлиб ишлаши, турли ноҳақликлардан ҳоли тарзда фаолият кўрсатиши унинг ҳаётдан мамнун бўлиб яшашига хизмат қилади. Ўзи ва меҳнати қадрланган инсон эса ҳамиша кўтаринки кайфиятда, янада руҳланиб, унумли ишлайди.

Мухтарома КОМИЛОВА, ЎЗА.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023



Ўз ватанимни севаман.



ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯНИ Қўллаб-қувватламоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янгилаётган Конституциямиз мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик вакилларига тушунтиришга бағишланган тарғибот тадбирлари республикамиз бўйлаб давом этмоқда.

"Менинг Конституция" шиори остидаги навбатдаги сиёсий-ҳуқуқий мулоқот тадбири Қарши шаҳридаги истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши раҳбарияти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари партиядан сайланган депутатлар, жамоатчилик фаоллари, турли соҳа вакиллари, шижоатли ёшлар ва фаол хотин-қизлар, умуман ўз келажигига бефарқ бўлмаган юзлаб қашқадарёликлар иштирок этди.

Қашқадарё вилояти юртимизда ўз ўрни ва мавқеига эга ҳудуд ҳисобланади. Нефть, газ, конденсат қазиб олиш ва табиий газни қайта ишлаш бўйича республикада биринчи ўринда туради. Ҳудудда хорижий инвесторлар иштирокидаги қўллаб-қўشма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда Қашқадарёда оламшумул лойиҳалар амалга оширилиб, турмуш сифати ошиб бормоқда.

Мард, танти ва меҳнатсевар қашқадарёликлар Ватан тақдирига дахлдор масалаларда ҳар доим ўз фикри, муносабатини билдиради.

Сиёсий-ҳуқуқий мулоқот тадбирида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов сўзга чиқиб, кейинги йилларда юртимизда инсон манфаатлари, кадр-қимматини юксалтиришга хизмат қилувчи улкан ислохотлар амалга оширилаётгани, Конституциявий ислохотлар орқали давлат зиммасига қатор ижтимоий мажбуриятлар юкланаётгани, жамоатчилик тақлифлари асосида Бош қомусимиз ҳақиқий халқ Конституциясига айланаётганини таъкидлади.

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 13- ва 14-моддаларида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга ошириши белгилаб қўйилмоқда.

43-моддада давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шуниингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши, фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириш назарда тутилмоқда.

57-моддада эса меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинмоқда.

Унга қўра, давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради. Мазкур модда билан, шуниингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари мустақамланиб, уларнинг ишга жойлашиши, таълим олиш имкониятларини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Мана шу моддаларнинг ўзи ҳам Халқ демократик партияси электорати манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниши, давлатнинг фуқаролар олдидаги, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш борасидаги масъулияти бир неча баробар ортаётганини акс эттиради.

Куй-қўшиқ, хурсандчилик кайфиятида ўтган тадбирда Конституциявий қонун лойиҳасидаги шу ва бошқа ўзгаришлар ҳақида батафсил тушунчалар берилди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳудуддаги фаоллар, ёшлар ҳам сўзга чиқиб, янги таҳрирдаги Конституция "инсон-жамият-давлат" концепциясига амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилгани, 30 апрель кунги референдумда фаол иштирок этиш Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи эканини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз.



БАҒРИКЕНГ ДАВЛАТ,

Турли миллат вакиллари бўлган

МУҲТАШАМ ВА МУСТАҲҚАМ

Миллий озчилик. Бу тушунча қандай маъно англатиши ҳақида ўзбекистонликлар деярли ҳеч нарса билмайди, ўйламайди ҳам.

Лекин дунё сиёсати тарихида, ҳозирги кунларда ҳам айрим давлатлар учун бу охири кўринмайдиган муаммага айланган, баъзи давлатларга "миллий озчилик" баҳонасида ҳар хил сценарийли ўйинлар, босимлар ҳам қилинади. Қўшни, олис мамлакатлар ўртасида мудҳиш оловлар ёқилган ҳолатларда йўқ эмас.

Шуқрки, Ўзбекистонда бундай ҳодиса кузатилмайди. Ҳарасли кучларнинг бир неча бор уринишларига қарамасдан, халқимиз орасидаги осойишталик, тотувлик ҳамisha барқарор бўлиб қолган.

Янгилаётган Конституция ҳақида гап кетганда асосан ўзгараётган меъёр ва моддалар ҳақида гапирилапти, бу табиий. Айни пайтда амалдаги Конституциямизнинг халқимиз қалби ва эътиқоди билан чамбарчас боғлиқ меъёрлари ўзгармасдан қолаётгани ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Конституциямизнинг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади». Янгилаётган Конституцияда



Гулдона АВЕЗДУРДИЕВА,
Республика туркман
маданият маркази раҳбари:

— Ўзбекистонда бошқа кўплаб миллат ва элатлар қатори 200 мингдан ортик турман миллати вакиллари ҳам тинчлик-хотиржамликда яшаб келмоқда. Барча билан бир қаторда миллатдошларимиз ҳам Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ҳар бир соҳада ватанимиз мустақиллигига, миллатлараро тотувлик, дўстликка ҳисса қўшишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Албатта, ушбу ҳаракатлар давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда 44 та туркман макбати бўлиб, улар ўқув дарсликлари билан тўлиқ таъминланаяпти. Шуниингдек, Нукус давлат педагогика университетида туркман тили филология факультети фаолият юритади. Ажинияз номидаги институтда эса бошланғич синф ўқитувчилари-

ни тайёрлайдиган факультет анчадан буён ишлаб келяпти.

Маданият марказимизнинг турли вилоят бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон республикаси маркази ҳам миллийлигимиз, тилимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни сақлаб қолиш, келгуси авлодга етказиш йўлида иш олиб борапти. Қувонарлиси, марказларимизнинг барчасига бирдек эътибор қаратилиб, уларнинг моддий-техник базаси янгиланапти, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. **Ўзимнинг 20 йиллик фаолиятимга назар ташлаб, ишонч билан айта оламани, муносабат йилдан йилга юксалмоқда. Ҳар бир ҳудудда дўстлик уйлари бунёд этилмоқда. Улар замонавий техника ва компьютер жамланмалари билан жиҳозланмоқда.**

Турли грантларда қатнашиб, ютуғига ўз она тилимизда китоблар нашр қилдириямиз. Яқинда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамда туркман маданият маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг 80 йиллик юбилейига бағишлаб "Сен баҳорни соғинмадингми" китоби таржима қилинди. Бу ҳам бизга бўлган эътиборнинг бир кўриниши, деб биламан. Маҳтумқулининг 300 йиллиги муносабати билан катта тадбир ўтказилди.

Яна бир жиҳати шундаки, туркманлар қаерда яшайдиган қатъи назар, ўша ҳудуднинг урф-одати, тили, анъаналарини ҳурмат қилиб, ўз тили, маданияти, удумларига содиқ ҳолда ҳаёт кечиради. Масалан, ўзбеклар деганда кўз олдингизга шойилар, адрасу атлас либослар келса, туркманлар деганда бетакрор гиламлари, ёркин миллий кийимлари, ахалтекин отлари гавдаланади. Айниқса, гиламларимиз миллий бойлигимиз саналади. Шу сабабли бу ҳунарларни асраб қолиш

бу меъёр, бу модда ана шу муҳташам ҳолича мустаҳқам сақланиб қолмоқда.

Германиянинг юртимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Гюнтер Оверфельд сўхбатларининг бирида "Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар, жумладан, миллий озчилик саналган олмонлар ахил-иноқ яшаб келаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Кундалик ҳаётда ҳам бағрикенглик яққол кўзга ташланади. Бугунги ихтилофлар замонида бу – эътирофга лойиқ ҳолат", деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, бизда ҳеч кимнинг миллати, дини, ижтимоий ҳолати ҳақида сўралмаган. Дўстларимиз, ҳамкасбларимиз, қўни-қўшнилар орасида ҳам кимнинг қайси миллатга мунсублиги асло аҳамият касб этмаган. Ҳаммасига ватандош сифатида, муҳими, инсон сифатида муносабатда бўлинган. Мамлакатимизда инсоннинг ҳаётий муҳим халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳужжатларида тан олинган асосий ижтимоий-иқтисодий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари камситишга дучор қилинмайди.

Сўхбатдошларимизнинг ҳаётда эришганлари, орзу-мақсадлари, муносабати, қарашларига қулоқ тутар эканмиз, бунга яна бир қарра амин бўлдик. Уларнинг бири маданият тарғиботчиси, бири умрини адабиётнинг тарғиботига сарфлаган инсон. Уларнинг миллати бошқа, аммо мақсадлари бир, тиллари, турфа диллари туташ.

учун марказимиз қошида тўғарақлар ташкил қилганмиз. Фарзандларимизга миллий кашта, либослар, гиламдўзлик каби қўл меҳнати сирларини ўргатиб келяптимиз.

Миллий байрамлар эса турли миллат вакиллари билан бирдамлигини таъминлайди. Мисол учун, Президентимиз қарори билан **икки йилдан бунёд дўстлик ҳафталиги байрам тарзида ўтказилмоқда.** Бошқа давлатларда бу дўстлик кўни сифатида бир кунгина ўтказилади. Бунинг ўзи ҳам миллийлигимиз, урф-одатларимизни намойиш этиш имконияти нақадар кенглигини ифодалайди.

Ўзим 23 йил олдин Қорақалпоғистондан келин бўлиб тушганман. Менинг боболарим 11-12 ёшларда шу ерга келиб қолган экан. Ота-онам шу ерда туғилиб вояга етган. Қайинотам республика туркман маданият марказига асос солувчилардан. Қизларим олий таълим муассасаларида, ўғлим эса мактабда ўқийди. Умирининг асосий қисми шу марказда ўтди. Санъаткорнинг боласи саҳна ортида катта бўлади, дейди-ку. Менинг фарзандларим ҳам шу марказда улғайди.

Авваллари туркманлар бошқа миллат билан мулкдо қуда-андачилик қилмасди. Ҳозирга келиб бу қарашлардан воз кечилди. Қайси миллат вакили бўлишдан қатъи назар, дини, эътиқоди, шарм-ҳаёси муҳим, деб биламан.

Сўзимнинг охирида бир нарсани таъкидлашни истардим. Ҳеч нима қўшмасдан, камайтирмай, борича айтадиган бўлсам, қўймадиган муҳитдан, унга берилмаётган эътибордан жуда ҳам мамнунмиз. Бир бинода турли миллат вакиллари бир оиладек ахил ва иноқликда фаолият юритамиз. Доим бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз. Тинчлик ва осойишталикни асрашда бу жуда муҳим, деб ҳисоблайман.

— Мен 1940 йили Жиззах вилоятининг Зомих туманида дунёга келганман. Ўз кишлоғимдаги 8 йиллик мактабни битириб, Ғаллаоролда 10-синфини тамомладим. Самарқанддаги институтга имтиҳон топширдим. Ҳаммасидан юқори баҳоларни олган бўлишимга қарамай, 2 йиллик меҳнат стажы сўрашди.

Ана шунда кишлоғимга қайтиб, 5-6 синфларга физикадан дарс бердим. Чунки ҳамма фандан аъло баҳога ўқигандим. 1959 йилда армияга кетдим. Тинч океанида 4 йил матрос бўлиб хизмат қилдим. 1963 йилда Низоми номидаги институтга имтиҳон топширдим. Ҳаммасидан юқори баҳоларни олган бўлишимга қарамай, 2 йиллик меҳнат стажы сўрашди.

Ана шунда кишлоғимга қайтиб, 5-6 синфларга физикадан дарс бердим. Чунки ҳамма фандан аъло баҳога ўқигандим. 1959 йилда армияга кетдим. Тинч океанида 4 йил матрос бўлиб хизмат қилдим. 1963 йилда Низоми номидаги институтга имтиҳон топширдим. Ҳаммасидан юқори баҳоларни олган бўлишимга қарамай, 2 йиллик меҳнат стажы сўрашди.

Уша даврда партияга аъзо бўлиш жуда қийин эди. Менга шу тақдир насиб қилган экан, Сирдарё вилоятида партия қўмитасида турли лавозимларда ишладим. Кейинчалик

эса проректор, декан ва яна бошқа турли ташкилотларда раҳбарлик вазифаларида фаолият олиб бордим. Умуман, ҳаётимнинг кўп қисми халқ хизматида ўтди. Турли давлат мукофотларига эга бўлдим. Ҳаётимдаги ранг-барангликлар унинг мазмунан бойлигини таъминлади.

Шу ўринда бир нарсани айтмоқчиман. Сирдарё турли миллат вакилларига бой ҳудуд ҳисобланади. Аммо бу эзгу амалларнинг йўлига ғов бўлолмайди. Аксинча, одамлар бирдамлик, ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат каби тушунчалар асосида яшайди.

Шу юрда туғилиб ўсдим, оила қурдим, авлод қолдирдим. 4 қиз, бир ўғил, 12 набара, 2 чеварам бор. Болаларимнинг ҳаммаси олий маълумотли. Қизларимдан бири айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият юритади.

Ҳозир 83 ёшда бўлсам, ҳаётимнинг 64 йили таълим-тарбия жараёнидаги фаолиятим билан боғлиқ. Ўзим қирғиз миллатига мансубман, Қирғизистонни яхши кўраман, у ер ҳам қалбимдан жой олган. Аммо ўз ватанимни севаман. Бу ердан кетиш ёки бошқа жойда яшаш каби хаёллар бўлмаган асло.

Ҳаётим давомида бирор марта сен қирғизсан, деб мени четга чиқариш, бошқалардан камроқ имконият ёки эътибор бериш каби ҳолатларга учраган эмасман. Ўзбекистон жуда ҳам бағрикенг давлат, қалби дарё миллат. Мен эса уларнинг бир парчасиман. Шу сабабли қуда-андаларим орасида ҳам ўзбеклар кўп. Бир қизим қирғиз миллатига келин бўлган. Шуқрки, ҳаммаси тинч-тотув ва бахтли ҳаёт кечирмоқда. **Азалдан шундай бўлган. Инсоннинг кимлигини унинг миллати белгиламайди. Тарбия, у камолга етган муҳит, жамият одамнинг кимлигини белгилайди.**



Абдусалом ЖОНИБЕКОВ,
меҳнат фахрийси,
"Дўстлик" ордени соҳиби,
Сирдарё вилояти:

институтга ўқишга кирдим. У ерни битирганимдан кейин олийгоҳнинг ўзига ишга олиб қолишди. Шу тариқа касбий фаолиятим бошланиб кетди ва ҳозиргача давом этмоқда. Уша даврда партияга аъзо бўлиш жуда қийин эди. Менга шу тақдир насиб қилган экан, Сирдарё вилоятида партия қўмитасида турли лавозимларда ишладим. Кейинчалик



Биз бир ватаннинг фарзандлари эканмиз, уни асраб-авайлаш, тараққиётга ҳисса қўшиш бевосита ҳар биримизнинг бурчимиз саналади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023



ҚАЛБИ ДАРЁ МИЛЛАТ

Ўзбекистонликларнинг қалб ҳикояларини тингланг



Усен ИСКЕНДЕРОВ,
Республика уйғур маданий
маркази раҳбари:

— Мен ҳозир 75 ёшдаман. Қирғизистоннинг Иссиққўл вилоятида туғилганман. 1973 йили армиядан қайтгач, техникумда ўқидим. У ерни қизил диплом билан тамомлаганимдан кейин Самарқанддаги кооператив институтга жўнатишди. Кейинчалик Тошкентдаги техникумда дарс бера бошладим. У ер маъқул келмагани боис Тўйтепадаги

улгуржи база бор эди, шу ерда ишладим. Турли жойларда, турли лавозимларда фаолият олиб бордим. Яратган ризқимни қаерга сочган бўлса, ўша ерда яшадим.

4 ўғил, 1 қиз фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. 17 нафар набира кўрдим. Ҳаммаси ўзидан кўпайиб, мақсадлари сари интилишда давом этмоқда. **Аввалига болалар, энди эса неваралар уларнинг ўрнини босяпти. Келинларимнинг бири крим татар, бири рус миллатига мансуб. Қизларимни ўзбекларга узатганман. Биз кўпмиллатли оиламиз. Асосийси, ҳамма бахтли.**

Ўтган йили 108 миллион сўм субсидия берилди, 700 миллион сўм грант ютиб олдик. Буларга марказнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун керакли жиҳозларни сотиб олдик. Мусиқа ускуналари харид қилдик. Умуман, моддий жиҳатдан анча ўзини тиккалаб олишга эришдик.

Мени хурсанд қиладиган жиҳати шундаки, бизда тинчлик ва хотиржамлик юксак қадрланади. Миллатлараро тотувлик давлат сиёсатининг муҳим асосларидан бири саналади. **Ер юзининг ҳамма давлатида ҳам бўлмаган эътибор айнан Ўзбекистонда мужассам. Тинчлик, хотиржамлик**

жуда катта бойлик ҳисобланади. Сабаби, айнан тинч ва осуда жойда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Одамлар эртанги кун учун бемалол режалар қилади, орзу қилишдан чўчимади.

Хабарингиз бор, юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Мисол учун, Ўзбекистонда 270 мингга яқин уйғурлар яшайди. Улар ўз тили, урф-одатлари, қадриятларини асраб қолиши учун бир қанча миллий маданий марказимиз ишлаб келмоқда.

Республика уйғур маданий марказидан тортиб, вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам марказлар фаолияти йўлга қўйилган. Яқинда Тошкент вилоятида, Сергели туманида маданий марказлар ишга тушди. Сирдарёда ҳам яна бир бўлимимизни очиш ниятимиз бор. Муҳими, уларнинг сони қанчалигида эмас. Самарали чоратдбирлар йўлга қўйилган, ўзини, ўзлимизни унутмаслик, асраб-авайлаш имконини бергани билан қадрли.

Бундай кайфият шу юртда истиқомат қилувчи ҳар бир миллат вакилида, ҳар бир фуқарода борлигига ишонаман. **Биз бир ватаннинг фарзандлари эканмиз, уни асраб-авайлаш, тараққиётга ҳисса қўшиш бевосита ҳар биримизнинг бурчимиз саналади.** Бунинг учун халқимиз орасидаги аҳилликка кўз тегмасин.



Мақсуджон МИРЗОЕВ,
Республика тожик маданий
маркази Фарғона вилоят
бўлинмаси раҳбари,
журналист:

вилоят телерадиокомпаниясига ишга ўтдим ва ҳалигача ўша ерда ижод қилапман.

Яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Фарғона давлат университетининг филология факультетини очилди. Уша ерда талабаларга дарс бераман. Айн пайтда республика тожик маданий маркази Фарғона вилоят бўлинмаси раҳбари ҳам ҳисобланаман.

Оиламиз у қадар катта эмас. Қизларимнинг бири педагогика, бири тиббиёт йўлини танлаган. Ўғилларимнинг бири тиббиёт коллежиде ишлайди, бири эса тижорат билан шуғулланади. Умуман, ҳар бири ўз йўлини топиб олган. 61 ёшимда 5 набиранинг бобосиман. Шу тариқа камтарона ҳаёт кечириб келяпмиз.

Бир воқеани айтиб берсам. Риштон туманида бундан чамаси 10 йиллар олдин келишмовчилик юзага келди. Шуни ғаламис кучлар тожиклар ва ўзбеклар уришибди, деган миш-миш тарқатди. Дарров мени телевидениега чақирдишди ва ҳодиса жойига етиб боришим кераклигини айтишди. Йўлда кетар эканмиз, ўша пайтдаги Фарғона ТРК раисининг ўринбосари уруш бўлмаган гапни, тожик-ўзбек ҳаммаси қуда-анда бўлиб кетганини билдирди. “Аёлим тожик, мен ҳам уйга бориб у билан уришим керакми энди”, деди. Шунинг ўзиёқ майда гап-сўзлар қанчалар хатолигини билдиради.

— Сўлим Фарғона вилоятининг хушманзара ҳудуди Сўх туманида туғилганман. Маҳаллий ўрта мактабни битириб, Тожикистоннинг Душанбе давлат педагогика институтининг тожик тили адабиёти ва филологияси факультетини битирганман. 1989 йилда ватанга қайтиб келдим. Шундан кейин фаолиятим бевосита журналистика соҳасига бурилиб кетди. Аввалига туман газетасида бош муҳаррир, кейинчалик Сўх туманида ташкил қилинган телеканалда ишладим. 1998 йилдан бошлаб

Доим бир гапни айтаман, яъни ўзбек ва тожик икки тилда гаплашувчи бир халқ, деб эътироф этилади. Охириги пайтларда илмий-тадқиқот олиб бораёпман. Унинг натижаларига кўра, бир хулосага келдимки, нафақат динимиз, урф-одатимиз, дунёқарашимиз, турмуш тарзимиз, ҳаттоки адабиётимиз ҳам икки тилда ёзилган бир адабиёт экан. **Бу икки миллатнинг биргаликда яшаш Яратганнинг ҳукми, деб биланман. Биз бирга яшаш учун яратилганмиз.**

Нафақат икки миллат, балки давлатларимиз ҳам дўст бўлиб, елкама-елка туриб яшаш керак. Мана, яқин тарихга назар ташлайлик, аразлаб ҳам кўрдик, бир-биримизга тош ҳам отиб кўрдик. Ҳеч қандай фойда бўлмади. Аксинча, икки давлатда яшайдиган халқларнинг кайфиятига салбий таъсир қилди. Аммо ўртадаги риштани узиб юборишнинг имкони йўқ. Сабаби, бизнинг илдимиз бир.

2017 йил 1 март кунини Тожикистон — Ўзбекистон чегараларининг очилишида иштирок этганман. У ердаги муҳит, у ердаги кайфиятни шунчаки изоҳлаб бериш имконсиз. Ўзим журналист сифатида биринчи марта ҳеч бир тайёргарликсиз у ердагилардан интервьюлар олганман, репортаж қилганман. Чунки авваллари интервью берувчига нима гапиришни ўргатиб турардик. Нафақат чегаралари, балки тилимиздаги тўсиқлар ҳам ечим топди.

Вилоят телерадиоканалида 3 тилда, яъни ўзбек, тожик, рус тилларида кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилади. Мен тожик тилидаги эфирнинг муҳарририман. Ўзбекистонда яшасам ҳам, ўзбек тилида эфирда гапиришга журъатим етмайди. Сабаби, бу катта масъулия, эфир қондалари бор. Бундан ташқари, тилга ҳурматим бандан ва жуда ҳам қадрлайман.

Фарғонанинг ўзида 30 дан ортиқ ижодкорнинг тожик тилидаги китоби чоп этилди. Ижодкорлар эса 100 дан ошқини ташкил қилади. Эътиборлиси, улар турли тадбирлар, умумхалқ байрамлари, тантаналарда ўз тилида сўзлайди, куйлайди, ижодини намойиш этади. Яқинда ширу шакар тадбири ўтказдик. Унда ҳар бир ижодкор ўзбек ва тожик тилида кўшиқ куйлади. Жуда ҳам мароқли тадбир бўлди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Иқтисодий, сиёсий ҳамкорликдан ташқари мана шундай алоқаларнинг мустаҳкамланиши ўртадаги муносабатларни янги босқичга, узилмас ишончли риштага айлантиради.

Ўйлашимча, нафақат давлатлараро, балки шаҳарлар, маҳаллалар ўртасида ҳам дўстлик ришталарини тиклаш, жонлантириш лозим. Ана шунда янада ривожланиш бўлади, сайёҳлар оқими ошади. Чегара олди ҳудудлардаги одамларнинг турмуш тарзи ҳам ижобий томонга ўзгаради. Савдо айланмаси, транспорт ҳаракати ошади. Бу оддий инсоний тарафлама ҳам жуда юқори таҳсинга муносиб иш, деб биламан.



Қалдибек СЕЙДАНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор:

— Шу кунгача қозоқ ва ўзбек халқининг дўстлиги, адабий-маданий алоқаси

ҳақида 250 га яқин мақола, 42 та китоб чоп эттирдим. Уларда икки халқнинг ўзига хосликларини тотувлик, қардошлик алоқалари, туғишганлар ҳақида ёритишга ҳаракат қилдим. **Мактабларга 4 томлик адабиёт дарслигини ёзиб бердим. Икки халқнинг муносабати, адабий дўстлигини ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида изланишларим давом этди ва мен ёзишдан, ўргатишдан тўхтамадим. Ҳар бир асаримни алоҳида илҳом ва завқ билан ёзишга интилдим.**

Бизнинг дўстлигимиз қадимдан жуда қиз олиб, қиз бериб бўлганмиш қуда, Гул териб келганмиш, бирга бир қирдан Бирга сув ичамиз дарёи Сирдан. деб яратиб, яшнатиб халқларнинг дўстлигини куйлашга тўғри келди.

Абай ижодидаги сара асарлар, унинг Навоий ҳақидаги қарашлари ҳақида ҳам қатор ижодий ишларим бор. Бундай мақсад биз икки тилда сўзлашувчи бир халқ эканимизни билдиришдан иборат эди. Туркийларнинг илдиизи, тарихи,

дунёқарашини, аждодлари бир эканини куйлашга ҳаракат қилдим.

Асли қозоқ миллатига мансуб бир шахс сифатида Ўзбекистонда туғилиб камолга етдим. Бу замин менга бешик бўлди. Орзуларим шу ерда амалга ошди. Оила қуриб, фарзандлар кўрдим. Набираларим, чевараларим бор. Катта қизим рус адабиётининг мутахассиси ва илмий иш билан шуғулланади. Ўғилларим ҳам ўз йўналишида изланишлар олиб бормоқда.

Асосийси, ҳаётимдан мамнунман. Умрим мазмунли кечди. Айни пайтда ҳам ўзим севган соҳада қозоқ тилидан магистр йўналиши талабаларига дарс бераман. Тўғри, қийин туюлиши мумкин. Аммо адабиётни севган, унинг моҳиятини тушунган одам сифатида буни ёшларга ўргатишдан завқ оламан. Ҳаётимнинг мазмуни ҳам шунда, аслида.

Кўш саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.



SHARH



ЭНДИ ҲАММА ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛИШИ МУМКИН

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 5 АПРЕЛЬ КУНИ ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ ВА 2023 ЙИЛГИ ИПОТЕКА ДАСТУРИ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ ЮЗАСИДАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛГАН, МУҲИМ МАСАЛАЛАР КЎТАРИЛИБ, АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ЭДИ.

МУХБИРИМИЗ УШБУ МАВЗУ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛАРГА БИР НЕЧТА САВОЛЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИ.

САВОЛЛАРГА РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ДЕПАРТАМЕНТИ МАСЪУЛ ХОДИМИ СУННАТИЛЛО ХОЛМУРОДОВ, ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ИПОТЕКА ВА УЙ-ЖОЙ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЛИМ БОШЛИГИ БАХТИЁР РАДЖАБОВ ЖАВОБ БЕРДИ.

– 2023 йил 1 майдан бошлаб расмий даромади етарли бўлмаган аҳоли ҳам ипотека кредити олиш имкони яратилади. Бу қай тартибда амалга оширилади?

– Мамлакатимизда ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида жорий йил 13 апрель куни Президентимизнинг 2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, тижорат банклари томонидан расмий даромадга эга бўлмаган шахсларга ипотека кредитини ажратишга рухсат этилди.

Ушбу фармонга кўра, жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий ва барқарор тизimini шакллантириш, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш мақсади назарда тутилган.

Шунингдек, тижорат банклари расмий даромадга эга бўлмаган фуқароларга ипотека кредитлари ажратишда уларнинг тўлов қобилиятини аниқлаш учун фуқароларнинг банк картаси айланмаси, ижара, коммунал ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларини инобатга олувчи скоринг тизимидан фойдаланади.

– Эндиликда дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаролар банкдан арзонроқ кредит олиш имкониятига эга бўладими?

– Президентимизнинг 2023 йил 13 апрелдаги фармонида асосан банкларга қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратилган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди. Бунда тижорат банкларининг ички кредит сисъатига асосан дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаролар банкдан арзонроқ ипотека кредитлари олиш имкониятига эга бўлади ва мазкур жараён алоҳида тартиб билан белгиланади.

– Ипотека облигацияси нима дегани?

– Ипотека облигацияси – бу ипотека кредитлари бўйича тўловлар билан таъминланган қимматли қоғоз бўлиб, капитал бозорида молиявий ресурсларни жалб қилишда ишлатиладиган инструмент ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, банк миқдорларга ипотека кредитларини беради, улар умумий бир жойда бирлаштири-

лади (ипотека қопламаси), шундан сўнг тўловларни олиш ҳуқуқлари тузилади ва улар учун қимматли қоғоз берилади. Шундай қилиб, ушбу қоғоз эгаси ипотека тўловлари билан таъминланган ҳосилни олади. Мазкур қимматли қоғоз ипотека облигацияси, деб аталади.

– Президент томонидан икки ой муддатда “Ипотека облигацияси тўғрисида” қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга кўрсатма берилди. Унда аҳоли учун муҳим бўлган қандай қўлайликлар акс этади?

– Мазкур қонунда ипотека облигациялари чиқариш асослари, уларни аҳолига сотиш, облигация бўйича фойзаларни ҳисоблаш ва тўлаш, ипотека облигациялари бўйича қарздорликни қайтариш, қарздорлик ўз вақтида тўланмаган тақдирда, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби асосий қоидалар назарда тутилди. Мазкур қонун қабул қилиниши натижасида банклар аҳолини узоқ муддатли ва мақбул ставкадаги ипотека кредитлари билан мунтазам таъминлаш асосига эга бўлади.

ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР, ШУБҲАСИЗ ЎТКАЗМАЛАР

– Тижорат банкларидаги 165 миллион сўмдан ортиқ онлайн омонат эгаларининг омонатлар ҳамёнларга ёки картага қайтарилишида, бир банкдан иккинчисига ўтказишдаги операциялари энди шубҳали дея қўрилади? Яъни, тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши қурашиш мазкур нозорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди?

– Ички нозорат қоидаларининг 49-бандига киритилган дастлабки 2 та хатбошида келтирилган мезонлар жисмоний шахслар ўртасидаги картадан картага пул ўтказмалари орқали амалга оширилган нақонуний операцияларни аниқлашга қаратилган. Бундай операциялар турига ноқонуний кимор ва гаров ўйинлари бўйича операциялар, фирибгарлик ҳолатлари ва бошқалар қиради. Бугунги кунда мазкур турдаги операцияларнинг таҳлили шунингдек, бундай нақонуний операциялар қуйидаги йўللار билан:

– бир жисмоний шахс томонидан турли банкларда очилган бир нечта банк карталари ёрдамида йирик миқдордаги пул маблағларини бўлиб-бўлиб ўтказиш орқали;

– пул маблағларини конверсия қилиш ёки нақдлаштириш мақсадида турли банкларда очилган бир нечта банк карталари-

дан маблағларни битта картага ўтказиш;

– битта жисмоний шахс картасидан бошқа жисмоний шахсларнинг банк карталарига ёки электрон ҳамёнларига маълум вақт ичида кўп миқдорда пул маблағларининг ўтказилиши ва аксинча, битта жисмоний шахс картасига бошқа шахсларнинг банк карталаридан ёки электрон ҳамёнларидан пул маблағларининг келиб тушиши орқали амалга оширилаётганлиги кузатилмоқда.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига янги киритилган ўзгартиришларда юқорида таъкидланган операцияларни аниқлаш учун операцияларни амалга оширилиши даврийлиги ва миқдорига тегишли мезонлар киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ушбу янги қоидалар жисмоний шахсларнинг омонатларини электрон ҳамёнларига ёки банк карталарига қайтарилиши, шунингдек, товар ва хизматлар учун тўловлар, хусусан, ипотека кредити ёки автокредит бўйича бошланғич бадал тўлови билан боғлиқ операцияларга татбиқ этилмайди.

Яъни, шубҳали операцияларни аниқлашда омонат ва кредит ҳисобварақлари орқали амалга оширилган операциялар ҳисобга олинмайди ва махсус ваколатли давлат органига тақдим этилмайди.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан ўз таваккалчиликларидан келиб чиққан ҳолда, мобил иловаларда бир жисмоний шахс томонидан бириктирилган банк карталари сонига ёки операциялар суммасига нисбатан чегаравий мониторинг мезонлари жорий қилинган.

Иқтисодий жиноятларга қарши қурашиш департаменти соҳа бўйича махсус ваколатли давлат органи бўлиб, барча ташкилотлардан юборилаётган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни саралаш, қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштириш ҳолатларини аниқлайди.

Шу сабабли, қайд этилган мезонларга мувофиқ келувчи операциялар махсус ваколатли давлат органига банкларро ўтадиган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш мақсадида умумий таҳлил амалга ошириш учун юборилади.

– Картадан картага пул ўтказмалари солиққа тортилди?

– Ижтимоий тармоқларда картадан картага (р2р) пул ўтказмалари учун солиқ жорий этилгани ҳақида хабарлар тарқалди. Ушбу хабарлар юзасидан Солиқ қўмитаси маълумот берди. Қўмитанинг маълум қилишича, жисмоний шахсларнинг бошқа жисмоний шахсдан мерос ёки ҳада тартибда, шунингдек, текинга олган пул шаклидаги даромадлари солиққа тортилмайди. Солиқ кодекси 378-модда яъни, бир жисмоний шахсдан бошқа жисмоний шахсга пул ўтказиш (р2р) операциялари солиққа тортилмайди.

Эслатиб ўтамиз, 2023 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистондаги тўлов ташкилотлари жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини амалга оширишда (р2р ўтказмалари) хизмат кўрсатиш учун электрон ҳисобварақларини (ЕНФ) расмийлаштириши ва тақдим этиши керак бўлади. Бугунги кунда бир электрон ҳисобварақаси учун хизмат нархи 270 сўмдан 450 сўмгача. Солиқ қўмитаси таннархни 1 сўмга туширишни режалаштираётганини маълум қилган.

**“Ўзбекистон овози” мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
тайёрлади.**



ҲАЁТИДАН

“ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ БИЛАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТАМИЗ!”

Халқ депутатлари Ангор туман кенгаши депутати Эркин Раҳмонов раҳбарлигида “Тўлқин” маҳалласи фуқаролари иштирокида тумандаги 2-сонли касб-хунар мактабда мазкур шир остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир давомида сўзга чиққан депутат янги Конституциянинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Унга киритилаётган қўшимчалар ва ўзгаришлар инсон кадрини бундан-да юксалишига хизмат қилиши таъкидланди.

Худди шундай тарғибот учрашуви “Янгиланаётган Конституция-ўзимизники” шiori билан Музработ туманида бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши раиси П.Норматов, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Т.Тангиров ва маҳалла фаоллари раҳбарлигида “Боғи эрам” маҳалласидаги 18-сонли умумтаълим мактабда аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказилди.

Учрашувда Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар берилди. Ўқитувчининг кадр юксалаётгани, инсон ва давлат манфаати тўқнашувида масала инсон фойдасига ҳал қилиниши таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларга тўхталиб, ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши таъкидланди. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши белгиланаётганига эътибор қаратилди. Конституцияга мазкур норманинг киритилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлайди ҳамда одил судловдан фойдаланиш имкониятини оширишга хизмат қилиши тушунтирилди. Йўғиланлар референдумда фаол иштирок этишга қақирилди.

“РЕФЕРЕНДУМДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАМИЗ”

Ўзбекистон ХДП Деҳқонобод туман кенгаши очик осмон остидаги тадбирларни ўтказишда давом этмоқда. Унда аҳолини 30 апрель куни ўтказиладиган референдумда иштирок этишга чорлаш, уларнинг янги модалар билан боғлиқ саволларига жавоб қайтаришга эътибор қаратилмоқда.

Туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Турдикул Мамановнинг сўзларига кўра, Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар ва туман партия ташкилоти ҳамкорлигида 20 дан ошиқ тарғибот тадбири ўтказилди.

Хусусан, Деҳқонобод туманидаги 68-мактабда “Пахтачи” маҳалласи аҳолиси вакиллари ва мактаб жамоаси иштирокида тадбир ташкил этилди. Ўз келажига, ватани тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз бир манзилда жамланди. Янги таҳрирдаги Конституциядаги ўзгаришлар юзасидан туман Кенгаши депутати Ғайрат Бойсариев ва БПТ етакчиси, туман Кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси Нурали Максимов йўғиланларга тушунтиришлар берди.

Шунингдек, Деҳқонобод тумани тиббиёт бирлашмасида БПТ етакчиси Ражаб Ниезов ва туман партия кенгаши раиси Ашур Норбоев томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси юзасидан тарғибот тадбири ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар ижтимоий демократик давлат қуриш тамойиллари ҳақида сўз юритишди. Инсон ҳуқуқи ва манфаатлари билан боғлиқ кўплаб янгиликлар ҳақида аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

“МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ”

Сирдарё вилояти мусиқали драма театри майдони. Худуднинг фаоллари, ўз тақдир ва келажига бефарқ бўлмаган инсонлар йўғилган маскан. Манзил Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги тарғибот тадбирига мезбон.

“Менинг Конституциям” шiori билан ўтказилган тарғибот сайлида партия Марказий Кенгаши раҳбарияти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар, жамоатчилик фаоллари, турли соҳа вакиллари, қонунчилик соҳаси мутахассислари иштирок этиди.

Меҳнатсеварлик, меҳмондўстлиги, самимийлиги билан эътироф этилувчи сирдарёликлар янги таҳрирдаги Конституцияга бефарқ эмасликларини намойиш этди. Янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳиятини яхшироқ тушуниш, чуқурроқ англаш учун юзлаб одам ошиқиси ҳам бежиз эмас, албатта. Байрамона тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Максуда Ворисова энди давлатни эмас, инсонни, унинг ҳуқуқлари кафолатини олий мақсадга кўтаришга эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, янги меъёрларнинг мазмун-моҳияти, таълим ривожини ва ёшлар ҳаётидаги ўрнига доир муҳим жиҳатлар хусусида тўлиқ маълумотлар берилди.

Байрамона муҳитда ўтган тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, худуддаги фаоллар ҳам сўзга чиқиб, Асосий қомусимиз одамларимизга куч берадиган, кайфиятини кўтарадиган қомус бўлаётганини, ундаги меъёр ва қоидалар меҳнат жамоалари, маҳаллалардаги учрашув ва мулоқот жараёнларида халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганини билдиришди.

Очик осмон остидаги тадбирлар мамлакатимизнинг барча худудларида байрамона кайфиятда давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши жамоаси Қорақалпоғистон Республика кенгаши тизимида узоқ йиллар чин фидоийлик кўрсатиб, фаолият юритиб келган **Махсетбай СЕРИМБЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ВАЗИРЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Мурожаат қилиш инсоннинг, фуқаронинг энг олий ҳуқуқларидан эканини кейинги йилларда яхши англаб қолдик. Унчанамунча одамни оёқ учида кўрсатадиган масъуллар, амалдорлар каттаю кичикни бошида эшитишга мажбур бўлди, ҳозир бунга анча ўрганди.

Мурожаатлар ҳам ҳар бўлади, асослиси, асоси етарли бўлмагани, қонуний ёки қонунга тўғри келмайдигани... Қайси мурожаат ҳақиқати, ҳақсизлигини қонунга мувофиқ тартибда ваколатли идоралар ҳал қилади. Лекин хулоса чиқариш, қарор қабул қилиш учун ҳам мурожаатни яхшилаб ўрганиш шарт.

Тахририятимизга фуқаролар томонидан турли шикоят, ариза ва мурожаатлар келиши давом этмоқда. Уларда ҳал хил масалалар кўтарилган, кимдир кимдандир хафа, кимдир саволларига жавоб берилишини истайди, яна кимдир қаердадир қонун

бузилмоқда, халқ ва давлат манфаатларига зид иш қилинмоқда, деб ҳисоблайди. Ҳамма шикоят ҳақиқати, ҳамма мурожаатда масала тўғри қўйилган, дейиш қийин. Ҳаёт бор экан, тушунмовчилик, камчиликлар бўлади. Асосийси, бефарқ бўлмастик, тушуниш ва тушунтиришдан тўхтамасликдир.

Тахририятимизга келган айрим мурожаатлар мазмуни ҳақида маълумот беришни жоиз, деб билдик. Алоҳида таъкидлашмики, бу орқали кимдир айблаш фикридан йироқми, бунга қонун ҳам йўл қўймайди. Мақсадимиз мутасадди идораларни уларнинг фаолияти ҳақидаги мурожаатлар, шикоятлар, фикрлар билан таништиришдир, масъулиятга ундашдир. Ким ҳақиқатини қонунга асосланиб, ваколатли идоралар ҳал қилади, одамларга ёрдам беради, деган умиддамиз.

СУВ ҲЎЖАЛИГИ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хоразм вилояти ҳокимлиги, вилоят суди раиси ва "Ўзбекистон овози" газетаси тахририятига Хоразм вилояти Тупроққалъа туманидаги Саримой қишлоғи "Дамба" МФЙ "Холис-нур" кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли, 20 га яқин пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар имзолаган Озод Самандаровнинг шикоят аризаси шундай бошланади:



"Доимий баҳор ва ёзги мавсумда ичимлик суви ва томорқа ерларни сўғориш бўйича ёзма мурожаатларимиз қонун доирасида ўз ечимини топа олмасдан ваъдабозликка айланганлиги ҳақида. 2019-2023 йил".

Шикоят аризамизга масъул бўлган вазирлик ва вилоят ҳокимлиги масъул раҳбарларига "Дамба" МФЙда яшовчи аҳолиси хусусий томорқа еримиз бўлса-да, давлатга ер солиғи тўласак-да, томорқа еримиздан сув йўқлиги сабабли уволига қолаёلمиз. Тоза ичимлик суви йўқлиги сабабли соғлигимизга зарар етляпти. Президентимиз 3-4 сотих томорқа ери борлар камбағал эмас, деб тўғри айтганлар. Ҳурматли масъул раҳбарлар бизларнинг сиздан талабимиз 2019-2023 йиллар давомида бир неча бор қилган мурожаатларимизни ечимини топиб беришингизни сўраймиз.

Бизларнинг муаммоларимизнинг қонуний ўз ечимини топа олмаётганига бепарво "Амалдорлар" сабабчидир.

Шикоят хатида фуқаролар Саримой қишлоғи фуқаролар йиғини раисига, Ҳазорасп тумани прокурорига, Тупроққалъа тумани ҳокими А.Сапаевга, Тупроққалъа туман Адлия бўлими бошлиғига, Хоразм вилоят сув таъминоти масъулияти келган жамияти Тупроққалъа тумани бўлимига, вилоят Адлия бошлиғига, Президент Халқ қабулхонасига мурожаатлари амалий натижа билан ечим топмаётгани ҳақида айтишган.

Ичимлик суви таъминоти давлат сиёсати билан боғлиқ ўта муҳим масала, мутасаддилар мурожаатга эътиборни кучайтиради, деб кутамиз.

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Фарғона вилояти Риштон туманидаги 11-умумтаълим мактаби ўқитувчилари В.Турдиева, А.Қодирова ва С.Бозоровалардан келган шикоят аризасини ўқиганда, унга бефарқ бўлиш мумкин эмаслигини тушунасиз:


Маълумки, Президентимиз томонидан халқ таълими соҳаси, педагог ходимларга алоҳида эътибор қаратиб, ўз ғамхўрликларини кўрсатиб келмоқда, дейилади мурожаатда. Шу кунларда мамлакатимиз ҳудудида янги очилаётган мактаблар сони кескин кўпайиб, уларнинг моддий базаси йил сайин ортиб бормоқда. Биз педагоглар ҳам давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларга "лаббай" деб жавоб бериб, ўсиб келаётган ёш авлодга сифатли таълим ва тарбия беришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Шу билан бирга, мактаб таълими масаласида қатор муаммолар бор ва шу муаммолар бизни қўлимизга қалам олиб, сизларга мурожаат этишга мажбур қилмоқда.

Ҳадемай, республика миқёсида педагог ходимларнинг аттестация-тоифа имтиҳонлари бўлиб ўтади. Ҳозирда қатор ўқитувчиларимиз мазкур билимлар танловига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Биз умид қилаемизки, мазкур аттестация адолатли, шаффоф ўтади ва ҳақиқий билимдон устозлар юқори тоифаларга эга бўлишади. Лекин юқоридаги аттестациянинг адолатли бўлишига бизда шубҳа пайдо бўлмоқда. Чунки бизнинг ҳудудимиздаги мактабларда таълим инспекциясининг хуфя чопарлари пайдо бўлган. Улар маълум ҳақ эвазига, яъни 500 АҚШ доллари ва 1-тоифа категорияларини олишга ёрдам беришини айтишмоқда.

Ҳозирда баъзи мактабларнинг "жонкуяр" директорлари пул тўлаган ўқитувчиларнинг рўйхатини шакллантирмоқда...

Афсуски, ҳозирда мактабларда ўқув жараёни иккинчи ёки учинчи вазифага айланиб бўлган. Биринчи вазифа эса мактаб



раҳбарияти томонидан уюштирилаётган саноксиз мажлислар...

Давлат ўқитувчига у ўқувчиларда шакллантирган билим ва кўникма учун ҳақ тўлайди... Оддий қилиб айтганда, давлат биз устозларни маълум илмий ва дунёвий кўникмаларни шакллантиришимиз учун ёллайди. Шундай экан, ўқув жараёнини биринчи ўринга қўйиб, ривожланган мамлакатлардаги каби ўқув жараёнининг натижаларига қараб ўқитувчиларни тақдирлаш вақти келмадимикан?..

Республикамиз ҳудудида ҳозирда умумтаълим фанларидан ўтказилаётган миллий сертификатлар учун тест синовлари тоифа тизимининг мутолқо самараси эканини кўрсатмоқда. Кўплаб олий ва 1-тоифали устозларнинг етарли балл тўппай олмаётганига ғувоҳ бўлмоқдамиз. Шунинг учун мазкур муаммога жиддий ёндашишларингизни сўраб қоладик. Чунки, ҳамма даврда ҳам таълим-тарбия мамлакат учун устувор бўлиб келган.

ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ДИҚҚАТИГА!

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Навоий МФЙ 27-хонадонда истиқомат қилувчи пенсионер Турсунбой Жўрабоев мурожаатини ўрганиб, хулоса бериш масъулларга қийинчилик туғдирмайди, деб ўйлаймиз.

... 1960 йилдан 2006 йилгача Мингбулоқ "Нефтьразведка" корхонасида ишчи бўлиб ишлаб пенсияга чиққанман. Яшаш манзилимдан узоқ бўлганлиги учун 12 соатлаб ишлаганман. Мен билан бирга ишлаган ҳамкасбларим 2023 йил январь ойидан бошлаб кўтарилган миқдорда пенсия олишмоқда. Эътирозим шуки, мен билан бирга ишлаган ҳамкасбларимнинг барчасини пенсияси кўтарилган. Аммо менинг пенсиям кўтарилмасдан қолиб кетган.

Шунинг учун тахририятдан нимага бундай бўлганлигини аниқлаштириб беришини илтимос қилмоқдам...

Ҳар бир мурожаатда юртдошларимизни ўйлантираётган масалалар, жавоби кутулаётган саволлар акс этган. Масъул идоралар уларга тез орада қонуний жавоб беради, деб умид қиламиз.

ТАХРИРИЯТ

18 АПРЕЛЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОММУНАЛ СОҲА ХОДИМЛАРИ КУНИ!

Заҳматли ва сермашаққат касб эгалари муносиб тақдирланди

Ўзбекистон миллий академик драма театрида коммунал соҳа ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов сўзга чиқиб, соҳа ходимларини табриқлади.

– Одамларнинг оғирини енгил қилиш энг ҳимматли касб, зеро, коммунал соҳа ходимларининг елкасида аҳоли учун қулай яшаш шароитларини таъминлашдек катта масъулият ётади, – дейди Ш.Ҳидоятлов. – Ҳар бир оиладаги фаровонлик, ҳар бир уйнинг илиқлиги кўп жиҳатдан уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг барқарор ва ишончлилигига, ушбу соҳада ишлайдиган одамларнинг маҳорати ҳамда юқори масъулиятига боғлиқ. Сир эмас, ўтган қиш мавсуми барча учун синовли келди. Бунда, айниқса, коммунал соҳа ходимларининг салоҳияти, фаолиятига бўлган садоқати, сабри ва матонатни сингалди.

Аномал совуқ ҳаво шароитида у хоҳ эркак ходим бўлсин, хоҳ аёл тунни тун, кунни кун демай ишлади. Совуқчилик, бўронлар уларнинг шахсий масъулиятдан устун бўла олмади. Бир сўз билан айтганда, юртдошларимиз оғирини енгил қилишдек заҳматли ва сермашаққат касби билан жамиятда муносиб ўрин топаётган соҳа ходимлари фаолияти алоҳида эътирофга сазовордир.

Бугунги кунга келиб тизимда республикада 800 га яқин бошқарув сервис компанияси фаолияти йўлга қўйилган. Эътиборлиси, ўтган қисқа даврда мамлакатимиздаги мавжуд 40 631 та кўп қаватли уйнинг 90 фоизига ушбу бошқарув ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатила бошланди. Бошқарув компаниялари ҳозирга қадар уйларни таъмирлаш, ҳудудларнинг инфратузилмасини яхшилаш, моддий-техник базасини шакллантиришга ўз ҳисобидан 268 миллиард сумдан ортик инвестиция маблағларини жалб этди.

Таъкидлаш лозимки, иссиқлик таъминоти соҳасида ҳам кейинги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, республика бюджетни маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури доирасида 50 дан ортик марказий ва маҳаллий қозонхоналар ҳамда 132, 2 км узунликдаги иссиқлик қувурлари модернизация қилинди. Натижада 45 721 та хонадондан иборат 1 069 та кўп қаватли уй ва 143 та ижтимоий соҳа объектлари иссиқлик энергияси билан таъминланди. Тошкент вилоятидаги 7 та шаҳар ва 15 та туман марказларида иссиқлик энергияси таъминотини тиклаш лойиҳаси натижасида 868 та кўп қаватли уй ва 42 та ижтимоий соҳа объектлари иссиқлик таъминоти эга бўлди.

Байрам тадбирида халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, аҳолининг қундалик эҳтиёжларини қондириш, уларга қулай яшаш шароит яратишдек масъулиятли соҳа фидойиларининг заҳматли меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, соҳанинг турли йўналишларида фидокорона меҳнат қилиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган 142 нафар ходим "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиси" кўкрак нишони ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий академик драма театри ижодий жамоаси ҳамда элимиз севган санъаткорларнинг ижросида қуй ва қўшиқлари байрам тадбирига ўзгача завқ бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

ЭЪЛОН

БИНОНИНГ ИССИҚЛИК ТИЗИМИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Бектемир тумани Ҳ.Бойқаро кўчаси, 51-уй манзилида жойлашган бинонинг иссиқлик тизимини капитал таъмирлаш бўйича ушбу фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Тижорат тақлифлари қуйидаги манзилларда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар, Бунёдор кўчаси, 50А-уй.

Танлов савдоларида қатнашиш истигани билдирган корхона ва ташкилотлардан 2023 йил 1 май соат 12.00 га қадар тижорат тақлифлари қабул қилинади.

Маълумот учун телефон рақами: (71) 276-95-94

тўғрисида жами 14 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг барчаси қонун доирасида ҳал этилган. Шу билан бирга, коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида комплаенс-назорат хизмати ходимлари томонидан жамиятнинг тизим ташкилотлари, маҳаллалар ва таълим муассасаларида мавзуга оид 100 та учрашув ҳамда даврда суҳбатлари ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, аудит натижалари бўйича халқаро сертификатлаш органи томонидан жамиятимиз фаолиятига киритилган коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб бориладиган чора-тадбирлар ИСО 37001:2016 халқаро стандарти талабларига тўлиқ жавоб бериши тўғрисида хулосаси олинди.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини жамият фаолиятига татбиқ қилиш ҳамда тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Президентимизнинг фармон ва қарорлари, "Серт Интернационал" МЧЖ халқаро сертификатлаш органи томонидан берилган тавсиялар асосида ишлаб чиқилган режа ҳамда йўл харитаси асосида давом эттирилмоқда.

Шавкат ҚОРАТОВЕВ, "Ўзбекидрозэнерго" АЖ «Комлаенс-назорат» ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ:

Коррупцияга йўл қўйилмайди

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш, коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада самарадорликни ошириш мақсадида жамиятнинг «Комплаенс-назорат» ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, коррупцияга қарши курашиш сиёсати, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида йўриқнома, одоб-ахлоқ кодекси каби коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солишчи 20 та ички норматив ҳужжат ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ҳолда ташкилотнинг расмий веб-сайтида учта (Ўзбек, инглиз, рус) тилда жойлаштирилди.

Жамият ишчи-ходимларининг ҳуқуқий онги, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва бу борадаги давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатни тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, 6 нафар ходим 2022 йилнинг 23-26 май кунлари ИСО-37001:2016 – "Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари, фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар" халқаро стандарти бўйича "Серт Интернационал" МЧЖ халқаро сертификатлаш органи томонидан ташкил этилган ўқув курсларида малака оширишди ва халқаро сертификат олишди. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларини баҳолаш учун масъул ходимлардан 1 нафари 2022 йилнинг 30-31 май кунлари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ташкил этилган ўқув-семинар курсларида қатнашди ва мувофиқлик сертификатини олди.

«Комплаенс-назорат» ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан 2022 йилнинг 28 июнь – 1 июль кунлари онлайн тизимида «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ҳузуридаги "Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти" нодавлат таълим муассасасида "ИСО 37001:2016 – Коррупцияга қарши кураш менежменти тизимлари, фойдаланиш бўйича кўрсатма ва талаблар" йўналишида «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ва унинг тизим корхоналарида ишловчи, коррупция хатарларига кўп дуч келаётган (Акциядорлик жамиятлари, ГЭСлар ва Каскадлар ва тузилмавий ташкилотларининг директорлари, ўринбосарлари, бош ҳисобчилари, харидлар бўйича масъул ходимлар, кадрлар бўйича инспекторлар) 85 нафар ходимга ўқув-семинар курслари ташкил этилди.

Ташкилотнинг алоқа каналлари орқали ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашувини ва бошқа коррупциявий қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар

ҲАМКОР ВА ДЎСТ ХАЛҚ

Беларусь Республикасида Ўзбекистон туризми ва маданияти тарғиботи



Минск — Беларусь Республикаси пойтахти. Замонавийлик ҳамда миллийлик уйғунлашган қадимий шаҳар марказидан бир неча километр масофада қад ростилаган 12 қаватли бино. Унинг ўнлаб хонасида Ўзбекистон делегация аъзолари меҳмон. Мақсад эса юртимизнинг туристик имкониятлари ҳамда маданиятини тарғиб қилиш вази-фасини бажармоқ.

Ўзбекистон ҳамда Беларусь Республикаси ўтмишдан бир-бирига бегона бўлмаган мамлакат. Жорий йилда эса икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларга 30 йил тўлди. Ўтган йиллар давомида турли соҳаларда ҳамкорлик муносабатлари шаклланди, ривож топди. Айниқса, охириги йиллардаги ҳамкорлик дўстлик ва шериклик руҳида мустақамлаб бормоқда. Бунда давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари, мунтазам мулоқоти муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзаро муносабатларимизни бевосита маданий-гуманитар алоқалар ривожига ҳам кўриш мумкин.

Маданият ва туризм вазирлиги ташаббуси билан Беларусь Республикасида ташкил этилган "Ўзбекистон маданияти кунлари" ва "Ўзбекистон туризми кунлари" тадбирлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур тадбирлар доирасида юртимиз делегацияси "ОТДЫХ-2023" 25-халқаро туризм хизматлари кўргазмасида ҳам қатнашди. Унда Ўзбекистон туризм салоҳиятини тарғиб этувчи стенд намойиш этилди.

14 апрель кuni халқаро кўргазма доирасида "Ўзбекистон туризми кунлари" тадбирларининг расий очилиш маросими ташкил этилди. Унда икки томондан бир гуруҳ расмийлар, шунингдек, миллий санъатимизнинг намояндлари, мамлакатимизнинг бир қатор туристик компаниялари, соҳа тадбиркорлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Беларусь ва ўзбек халқи муносабатлари 30 йиллик билан чегараланмайди. Дўстона алоқалар узок йиллик рўшнликка бориб тақалади, — деди Беларусь Республикаси маданият вазири-нинг биринчи ўринбосари Валерий Грамода. — Урф-одат ва анъаналаримиз бир-биридан фарқ қилиши мумкин, бундан олиш керак. Аммо, мақсадларимиз муштарак. Муҳими, Ўзбекистон турли соҳаларда бизнинг ишончли дўстимиз саналади ва бу ҳамкорлик янгидан-янги йўналишларда янада мустақамлаб боришига ишонаман. Зеро, бундан шу кунларда ўтказилаётган туризм ва маданият кунлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан, жорий жорий йилнинг ёз ойларида ҳамкорликда фильм суратга олиниш режалаштирилган. Унда Беларусьда яшаган ўзбек қарамаони ҳақида ҳикоя қилинади. Ўйлаيمانки, бу ҳамкор-лигимизнинг яна бир намунаси бўлади.

— Ўзбек ва беларусь халқи дўстлигини бир нечта ўн йилликка сиғдириб бўлмайди, — деди Ўзбекистоннинг Беларусьдаги элчихонаси маслаҳатчиси Раҳматулло Назаров. — Муҳими, бугун ҳам мақсадларимиз муштарак. Дўстона ва

манфаатли алоқаларни мустақамлаш, турли соҳалар кесимида ҳамкорликни кучайтиришдан иборат. Шунинг баробарида халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янги даражага олиб чиқиш зарур. Бунда туристик салоҳиятимиздан фойдаланиш энг тўғри йўлдор.

Шу ўринда беларуслик дўстларимизни юртимизга ташриф буюришга, Ўзбекистон заминида етиштирилган бир-бирдан мазали ноз-неъматлардан баҳраманд бўлишга чакираман. Маданиятимиз, урф-одатларимизнинг жонли гувоҳи бўлиш халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлайди.

— Маданият ва санъат миллат танламайди. Ваҳоланки, бу инсонлар қалбига йўл топиш, уларнинг меҳрини қозонишни энг мақбул усулларидан бири саналади, — деди Ўзбекистон маданият ва туризм вазири маслаҳатчиси Шавкат Ортиқов. — Охириги йилларда Беларусь иждоқорлари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ва бошқа маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, Беларусьда "Ўзбекистон маданияти кунлари" анъанавий тарзда ўтказиб келиняпти.

Дўстона муносабатларимизда, албатта, туризм соҳаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳар икки мамлакатда ноёб имконият ва салоҳият бор. Шу маънода 2018 йилдан бошлаб юртимиз вакиллари Беларусьдаги турли туризм кўргазмаларида фаол қатнашмоқда. Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини жадал ривожлантириш, хорижий меҳмонларга барча қулайликларни яратиш учун катта эътибор қаратилмоқда. Асосийси, бу борадаги имкониятлар мана шундай учрашувлар, дўстона мулоқотлар муҳитида янада кенгайди.

— Биз ўз мамлакатимиз тарихини, маданиятини тақдим этиямиз, — деди "Сула тарихи" боғ-музейи вакили Диана Рантюк. — Шунингдек, бошқа давлатларнинг бу борадаги имкониятлари билан ҳам танишялмиз. Айни пайтда ўзбекларнинг санъатидан баҳраманд бўлялмиз. Туристик имкониятини ўрганилмиз. Славян маданиятидан фарқ қилса-да, бизга яқин ва жуда қизиқарли. Тез орада Ўзбекистонга бориш, у ҳақида кўпроқ ўрганиш, тилларда дoston шаҳарларини бориб кўриш ниятидамыз.

Делегация аъзоларининг яна бир вази-фаси "Ўзбекистон маданияти кунлари" доирасида турли шаҳарларда концертлар қўйишдан иборат эди. Пойтахт Минскда бошланган дастурлар бошқа давлатлар билан чегарадош ҳудудларда ҳам давом этди. Навбатдаги ана шундай манзил 2023 йилда мамлакатимиз "маданият пойтахти" мақоми берилган Слуцк шаҳри бўлди. У ерда тақдим қилинган концерт дастури ранг-баранг куй-қўшиқларга бой ўтди. Дастурда ўзбек ҳамда беларусь халқининг санъатидан намуналар ижро этилди. Миллий санъатимиз усталари беларусликларнинг олқишу раҳматларига сазовор бўлди.

— Шунчаки таърифга тил ожиз. Биз бир неча соат давомида ушбу залда эмас, эртаклар оламида яшагандек бўлдик, — деди Слуцк шаҳар "Маданият уйи" директори Олга Шуманина. — Болаларимизда телевизор орқали томоша қилган шарқ эртакларининг жонли гувоҳига айландик. Бунинг учун ташкилотчиларга ҳам, санъат аҳлига ҳам алоҳида миннатдорлик билдираман.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.
Тошкент – Минск – Тошкент.



ЯНГИ САЙЛОВ ТИЗИМИ

аҳолининг сиёсий фаоллигини ошира оладими?

Кўпинча сиёсий партиялар ҳақида гап кетганда, фуқароларимиз томонидан сиёсий партиялар сайлов жараёнида фаол бўлиши, лекин бошқа пайтларда уларнинг фаоллиги сезилмаслиги тўғрисида эътироз билдирилади.

Мантиқан олиб қараганда, сиёсий партиялар ўзи халққа нима беради? Фуқароларнинг сиёсий ҳаётда, давлат бошқарувида фаоллигини қандай таъминлаш мумкин, деган саволларга жавоб топишимиз мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, сиёсий партиялар халқ учун биринчи навбатда вакиллик функциясини амалга оширилади. Яъни, сиёсий партиялар аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, масалан, ишчилар, фермерлар, ишбилармонлар, талабалар ва бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Иккинчидан, сиёсий партиялар одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдиган дастур ва ғояларни тақлиф қилади.

Учинчидан, сиёсий партиялар ҳуқуқат ва жамиятда барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Улар сиёсий инқироз ва низолардан қочадиган турли сиёсий кучлар ўртасида мурося ва келишувларга эришишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, одамларнинг сиёсий жараёнларни яхшироқ тушуниши ва унда иштирок этиши учун тарғибот ишларини амалга оширади.

Хўш, бугунги кунда юртимизда амалда бўлган мажоритар сайлов тизими сиёсий партияларнинг фаоллигини таъминлай оладими?

Халқаро тажрибада сайлов тизимининг мажоритар, пропорционал ва аралаш турлари мавжуд.

Мажоритар, яъни аралаш сайлов тизимида кўп овоз олган номзод муайян округ бўйича сайланган ҳисобланади. Мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимда берилган овозларнинг умумий сонидан мутлақ кўп овоз, яъни 50%+1 та овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Номзодлар орасидан ўз рақибларининг ҳар бирига нисбатан кўп овоз олгани ғолиб ҳисобланади.

Албатта, мажоритар сайлов тизимининг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд.

Мазкур сайлов тизимида халқ муносиб деб билган номзод сайланишини ижобий жиҳат деб аташ мумкин.

Лекин, бу борада айрим салбий жиҳатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, сайловчи депутатликка номзодлардан бирортаси маъқул келмади, шундай ҳолатда сайловчилар номзодга эмас, балки унинг рақибига қарши овоз беришади.

Ёки ушбу сайлов тизими орқали сайланган депутат ўз округи манфаатларини устувор даражага чиқариши партия дастурининг иккинчи планга тушиб қолишига олиб келади.

Ушбу тизимнинг яна бир салбий жиҳати баъзида биринчи турда натижа аниқланмайди. Бунинг натижасида ақсарият округ-

ларда такрорий овоз бериш ўтказилади. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг фаоллиги сусайишига ва ортиқча куч, вақт, ресурс ҳамда сарф-харажатлар қилинишига олиб келади.

Жорий йилнинг 6 март куни Президентимиз парламент аъзолари билан учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайлов тизимига ўзгартириш киритилиб, мажоритар-пропорционал ("аралаш") сайлов тизимига ўтиш тақлифи билдирилди.

Хўш, хорижий давлатлари тажрибаси нима дейди?

Ривожланган давлатларда сиёсий партиялар позицияси, ғоя ва мақсадларига қараб овоз бериш тенденцияси кузатилмоқда.

Пропорционал сайлов тизими — сайловчилар аниқ бир шахсга эмас, балки номзодлар рўйхати олдиндан шакллантирилган партияга овоз берадилар. Яъни, мазкур тизимда сайловчи сиёсий партия учун овоз беради.

Аралаш сайлов тизими эса мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг йиғиндиси ҳисобланади. Бунда мандатларнинг бир қисми пропорционал сайлов тизими бўйича, бошқа қисми мажоритар сайлов тизими орқали тақсимланади.

Аралаш сайлов тизимида сиёсий партиялар бош ўринга чиқади. Партиялар ўртасида соғлом рақобат кучади. Халқнинг ҳаётий муаммолари ва ташвишларини ифода этиб, уларга қонуний ечим беришга муносиб ҳаракат қилган сиёсий партия кўп овоз олишга эришади.

Бунда Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатдан 75 нафари ҳозирги тартиб бўйича сайланса, қолган ярми сиёсий партияларнинг рўйхатлари асосида сайланади.

Мазкур ўзгаришлар сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш асосида фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки кенгайишига хизмат қилади. Сиёсий партияларнинг ўз сайловчилари олдида масъулияти ва ҳисобдорлиги кучади.

Шу билан бирга, мазкур сайлов тизими орқали сиёсий партияларнинг жамиятдаги реал ўрни акс этади. Бу эса профессионал парламентни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари, янги сайлов тизимида сиёсий партиялар асосий эътиборни сайловларда иштирок этишга қаратади. Натижада сиёсий партияларнинг ўз кадриятлари шаклланади, партияларнинг бошланғич ташкилотлари фаолияти жонланади. Аралаш сайлов тизими жорий этиш фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокининг ҳам кучайишига олиб келади.

Аралаш сайлов тизими Италия, Германия, Болгария, Янги Зеландия, Литва каби ривожланган давлатларда кенг қўлланилади.

Бекзод НАРИМАНОВ,
Тошкент давлат юридик университети бўлим бошлиғи,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум олдидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари қизгин ташвиқот олиб бормоқда.



МУАССИС:



O'zbekiston ovozi

ТАХРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Shuhrat ISLOMOV

Toshtemir XUDYOQULOV

Бoш муһаррир: То‘лиқ ТO‘РАХОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 436. 7030 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:50

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.